

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 25-oktabr, shanba № 85 (15827)

ЎЗБЕКИСТОН – ТУРКМАНИСТОН:

ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг таклифига биноан 23-24 октябрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

Ташрифнинг асосий воқеалари 24 октябрь куни бўлди. Расмий кутиб олиш маросимидан кейин Президентларнинг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди.

Ўзбек ва туркман халқларининг тарихи, маданияти ва қадриятлари муштарак, тил ва

урф-одатлари ўхшаш. Икки халқ азалдан бир-бирининг маданиятини бойитиб, савдосотиқ қилиб келади, бир дарёдан сув ичади.

Аждодларимизнинг илмий, маданий-маънавий ва адабий мероси халқларимизнинг умумий мулкидир. Ҳеч бир мубо-

лағасиз айтиш мумкинки, Туркменистонда Алишер Навоий, Ўзбекистонда Махтумқули асарлари катта қизиқиш билан мутолаа қилинади ва тадқиқ этилади.

Бугунги кунда Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги муносабатлар юксак суръатлар билан ривожланмоқда. Бунда аввало икки давлат раҳбарлари ўртасидаги яқин дўстлик, ишонч ва самимият муҳим аҳамият касб этмоқда.

Олий даражадаги учрашувларнинг мунтазамлиги давлат-

лараро муносабатлар юксак даражада эканидан далолатдир.

Ўзбекистон ва Туркменистон раҳбарларининг бу галги Ашхобод учрашуви олий даражадаги самарадор ва фаол мулоқотларнинг мантиқий давоми бўлди.

Президентларнинг очиклик ва ишонч руҳида ўтган суҳбатда ўзаро ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинар экан, мамлакатларимиз манфаатлари муштараклиги, икки томонда ҳам кўп қиррали муносабат-

ларни ҳар томонлама ривожлантириш учун хоҳиш ва ирода мавжудлиги, давлатларимиз бунинг учун улкан салоҳият ва имкониятларга эга экани таъкидланди.

Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашув давомида муҳокама этилган барча масалалар бўйича томонларнинг қарашлари ва ёндашувлари ўхшаш ёки яқинлиги қайд этилди.

(Давоми 3-саҳифада)

ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИ ВА БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Азиз миришкор пахтакорлар! Қадрли деҳқон ва фермерлар!

Сиз, азизларни шу кунларда ўта машаққатли, шу билан бирга, шарафли меҳнатингиз эвазига 3 миллион 400 минг тоннадан зиёд юксак пахта хирмони бунёд этиб, шартнома мажбуриятингизни адо этганингиз билан самимий табриклашдан, чин қалбимдан хурмат ва эҳтиромимни билдиришдан бахтиёрман.

Пахта ўстиришнинг ўзи ҳар қайси деҳқон, фермер ва мутахассисдан нақадар мураккаб ва оғир меҳнатни, чуқур билим ва тажрибани,

она еримизга меҳрини бериб, тупроқ билан тиллашиб яшашни, лўнда қилиб айтадиган бўлсак, кундалик фидойиликни талаб қилишни бутун элимиз, халқимиз яхши билади ва бу йилги мавсумда қўлга киритган зафарларингизни юксак баҳолайди, десам, аини ҳақиқатни айтган бўламан.

Халқимизда, деҳқон учун осон йилнинг ўзи бўлмайди, деган теран маъноли ибора бор. Бу йилги мавсум бу фикрни яна ва яна бир бор тасдиқлаб бермоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

«Пахта – 2014»

УЛКАН ЗАФАР МУБОРАК!

Мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллиги кенг нишонланган жорий йилда пахтакорларимиз 3 миллион 400 минг тоннадан зиёд юксак хирмон бунёд этиб, шартнома мажбуриятини ошириб бажарди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани, фермер хўжалиқларининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, ерга муносабатнинг ўзгаргани миришкорларимиз муваффақиятида муҳим омил бўлди.

Пахтадан мўл ҳосил етиштириш замирида заҳматқаш, ишнинг кўзини биладиган, азму шижоатли бободоҳқонларнинг машаққатли меҳнати муҳим. Жорий йилда ҳам сермахсул, зараркунанда ва касалликларга чидамли, иқлим шароитимизга мос ғўза навлари экилиб, агротехник тадбирлар ўз вақтида ўтказилди.

(Давоми 2-саҳифада)

Нунар — зар



Дунё таниган, тан олган уста

Алишер Нарзуллаевнинг яқинда Португалия пойтахти Лиссабон шаҳрида бўлиб ўтган «Вера — 2014» халқаро тасвирий санъат кўргазмасида бош мукофот — Гран-прига сазовор бўлганини эшитиб, яна бир бор у кишининг хонадонига бордик...

7-саҳифага қаранг!


Илм сарҳадларида

БАХТИНУР — МАРКАЗИЙ ОСИЁДАН ЯГОНА ВАКИЛ



— Хизмат юзасидан Германияда тиббиёт соҳасида Нобель мукофоти лауреати Харольд цур Хаузен билан мулоқот қилиб, илм бобида фикр алмашдим... Бугун биз — Ўзбекистон ёшлари ҳеч кимдан кам эмаслигимизни, юртимизда биз учун яратилган муносиб шарт-шароитлар аллақачон ўз маҳсулини бера бошлаганини ҳис этиш менга чексиз мамнуният бағишлади, — дейди фахр билан Тошкент давлат стоматология институтининг стоматологик касалликлар профилактикаси кафедраси ассистенти, болалар стоматологи Бахтинур Худанов. — Бу баландпарвоз гаплар эмас. Жорий йилда Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган Тошкент давлат стоматология институтида тез орада жаҳондаги манаман деган илмий марказлардан сира қолишмайдиган, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган стоматология ва юз-жағ жарроҳлиги илмий-амалий маркази фаолият кўрсата бошлайди. Биз мураккаб операциялар ва истикболли тадқиқотларни бемалол ўзимизда бажарамиз. Хорижлик ҳамкабларимизни эса, тажриба алмашиш учун Тошкентга чорлаймиз.

6-саҳифага қаранг!



4-5 «Баркамол авлод» марказлари — бўш вақтни хуш вақтга айлантиради



7 Бунёдкорлик — ҳаётимнинг мазмуни

УЛКАН ЗАФАР МУБОРАК!

(Давоми, бошланиши 1-саҳифада)

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йилда ғўза навларини жойлаштириш ва пахта етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисидаги қарорига асосан майдонларда иқлим шароитимизга мос, ингичка ва ўрта толали ғўза навлари парваришланди. Далаларга ғўзанинг «Бухоро-6», «Бухоро-102», «Султон», «Наманган-77», «С-6524», «Иброт», «Меҳнат» каби эртапишар, санотатбоп, серҳосил, жаҳон пахта бозорида харидорғирлиги билан ажралиб турадиган навлари экилди. Натижада тажрибали деҳқон ва фермерларимизнинг фидокорона меҳнати эвазига сифатли пахта хомашёси тайёрланди.

Далалар тежамкорлик билан суғорилди, ғўза қаторларига меъёрида ишлов берилди. Хизмат кўрсатувчи ва таъминот ташкилотлари билан шартнома асосида иш олиб борилгани боис минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш маҳсулотларини етказиб беришда узилишлар бўлмади.

Мамлакатимизда аграр соҳада амалга оширилган изчил ислохотлар самарасида Ўзбекистон пахтасининг юқори сифати жаҳонда кенг эътироф этилиб, тўқимачилик маҳсулотларимизга хорижда талаб тобора ортмоқда. Жорий йилнинг 13-14 октябрь кунлари Тошкентда ўтган Х халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида бу яна бир бор ўз тасдиғини топди.

Ярмаркада 580 минг тонна пахта толасини сотиб олиш бўйича шартномалар имзоланди. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича қиймати 1 миллиард АҚШ долларида зиёд бўлган шартномалар тузилди.

Мустақиллик бизга пахта хомашёсини сўнгги босқичгача қайта ишлаш имконини берди. Мисол учун, кейинги йилларда енгил санотатга 2 миллиард доллар миқдорда инвестициялар жалб этилди. Сингапур, Жанубий Корея, Хиндистон, Туркия, Япония, АҚШ, Европа иттифоқи ва МДХ мамлакатлари ҳамда бошқа давлатларнинг сармоядорлари иштирокида янги корхоналар қуриш ва мавжудларини модернизация қилиш бўйича икки юздан зиёд лойиҳа амалга оширилди.

Бугунги деҳқон — ер эгаси, тадбиркор. У етиштираётган пахта хомашёсини қайта ишлашни йўлга қўйиб, қишлоққа санотатни олиб кирмоқда, аҳоли бандлигини таъминлаш, фаровонлигини оширишга фаол ҳисса қўшаётир. Мўл ҳосил етиштириётган тажрибали, илғор фермерлар сафи йил сайин кенгаймоқда.

Жорий мавсумда пахта далаларида «Тошкент трактор заводи» очик акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган МХ-1,8 модернизацияланган пахта териш машиналари иштирок этгани соҳадаги илғор ютуқлардан дидир. Фойдаланиш жуда қулай, ҳосилнинг 90 фоизгача тўлиқ тера оладиган машиналар фермерларга маъқул бўлмоқда. Бу йилги мавсумда пахта далаларида 1200 дан зиёд ана шундай машина пахтакорлар оғирини енгил қилиб, ҳосилнинг салмоқли қисмини теришда муҳим роль ўйнади.

Давлатимиз раҳбари томонидан фермерлар меҳнатини рағбатлантиришга кўрсатилаётган юксак эътибор ҳосил салмоғининг кўпайишида муҳим омил бўлаётир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 5 августдаги «Давлат эҳтиёжлари учун пахта хомашёсини етказиб бериш бўйича шартнома мажбуриятларини бажарган фермер хўжалиқларига контракти шартномасидан ортиқча топширилган пахта хомашёсини қайта ишлашдан олинган пахта шроти (кунжараси) ва пахта чигити шелухасини сотиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори ижроси доирасида пахтачилик билан шуғулланувчи 12 мингдан ортиқ фермер хўжалигига пахта шроти ва шелухаси берилди. Юқори ҳосилдорликка эришган 1200 фермер хўжалиги бир қатор имтиёзлардан фойдаланмоқда.

— Мамлакатимиз фермерлари қилган меҳнатига яраша даромад олаётир, — дейди Кармана туманидаги «Авез бобо» фермер хўжалиги раҳбари Қахрамон Рўзиев. — Бу йил 60 гектарда «Бухоро-6» навини етиштириб, биринчи теримдаёқ шартнома мажбуриятини адо этдик ва 285 миллион сўм даромад қилдик. Қишлоқ аҳли учун замонавий шароит яратиб бераётган Президентимиздан беҳад миннатдоримиз.

Пахтакорларимизнинг бу улкан ғалабаси Ватанимиз иқтисодий кудратини, халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилади.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИ ВА БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

(Давоми, бошланиши 1-саҳифада)

Баҳор фаслида ҳаво ҳароратининг одатдагидан нисбатан паст бўлгани, чигитнинг униб чиқиши 8-10 кунга кечиккани, айрим ҳудудларда ғўзани сел ва дўл уриб кетгани, турли касаллик ва зараркундалар кўпайгани, ёздаги сув танқислиги, кузнинг анча эрта ва салқин келгани деҳқон ва фермерларимиз учун жиддий қийинчиликлар туғдирди.

Жорий мавсумнинг мана шундай ноқулай ва мураккаб келишига қарамасдан, биринчи навбатда кўп йиллар давомида тўпланган тажриба ва замонавий агротехникани самарали қўлаганимиз, шулар қаторида ўз вақтида ғўзани «шарбат» услудида суғориб, маҳаллий ўғитнинг ортириб берилгани, олим ва мутахассисларнинг тавсия ва маслаҳатлари туфайли, қандай оғир бўлмасин, ҳосилни сақлаб қолишга эришганимиз, бир сўз билан айтганда, деҳқон ва фермерларимизнинг мардлиги ва матонати, ташаббускорлиги бу йилги ютуғимизнинг қадр-қимматини янада оширади.

Шу маънода, бугунги юксак хирмонни бунёд этишда ўзини аямасдан, жонбозлик кўрсатиб, айтиш мумкинки, қахрамонона меҳнат қилган фермер ва деҳқонларимизга ўз номидан, бутун халқимиз номидан миннатдорчилик изҳор этиб, уларга таҳсин ва тасаннолар билдиришни ҳам қарз, ҳам фарз, деб ҳисоблайман.

Азиз дўстлар, муҳтарам юртдошлар!

Ҳеч кимга сир эмас, юртимиз далаларида етиштирилаётган ҳосилнинг, хусусан, пахта хомашёсининг тақдири биринчи навбатда ер унумдорлигига вевосита боғлиқ. Айни вақтда деҳқончиликда ҳар қайси экин майдони, ҳар қандай тупроқ унумдорлигининг ҳам чегараси борлигини унутмаслигимиз керак.

Шу боис барчамизни боқадиган она заманимизнинг келажагини ўйлаб, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича қабул қилган давлат дастури доирасида амалга оширган улкан ишларимиз қишлоқ хўжалигида қандай катта бурилиш ясаганини бугун кўп-кўп мисолларда яққол кўриш мумкин. Ўтган 6 йил давомида мамлакатимиз бўйича 1 триллион 300 миллиард сўм маблағ ҳисобидан 1 миллион 750 минг гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Фа-

қатгина кейинги икки йилда пахтачилик бўйича ҳосилдорлик 24 центнердан 26,5 центнерга ошгани ана шундай кенг кўламли ишларимизнинг муҳим натижаси бўлди, десак, янгилишмаган бўламиз.

Охириги йилларда мамлакатимизда янги ғўза навларини яратиш, селекция олимларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнатини рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирлар туфайли 100 дан ортиқ янги навлар яратилгани, уларнинг 27 таси давлат реестрига киритилиб, амалда жорий этилаётгани ушбу тармоқнинг изчил ривожланиб бораётганидан далолат беради.

Шу билан бирга, эътироф этишимиз керакки, бугунги кунда Ўзбекистон шароитида ҳар қайси вилоят ва туман учун мос келаётган, серҳосил, юқори сифатли тола берадиган, эртапишар ғўза навларини чиқариш ва районлаштириш энг долзарб, ечимини барча деҳқонларимиз орзиқиб кутаётган муаммо бўлиб қолмоқда. Ана шу муҳим масалани ҳал этиш аввало мутасадди олимлар, селекция соҳасида ишлаётган мутахассисларнинг асосий вазифаси эканини яхши биламиз ва улардан бундай ғўза навларини тезроқ яратишларини кутамиз.

Бу йилги мавсум давомида биз дуч келган мураккаб синов ва қийинчиликларни бартараф этишда интенсив агротехнологиялардан оқилон фойдаланиб, ғўза қатор оралари ҳар йилгидан 4-5 марта кўп, ўртача 12 мартадан зиёд сифатли культивация қилинган, гектарига 5 тоннадан, жами 13 миллион тоннадан ортиқ маҳаллий ўғит берилгани алоҳида аҳамият касб этди.

Бугун барчамизга аён — биз қўлга киритаётган ютуқ ва марраларнинг асосий гарови ва ҳал қилувчи кучи бўлмиш фермерлик ҳаракатининг олдида турган муаммоларни ечиш, унинг қишлоқ хўжалиги самардорлигини ошириш, қишлоқ ҳаётидаги ролини кучайтириш бўйича олиб бораётган ишларимиз аввало бу йилги мавсумни уюшқоқлик билан ўтказишда, етиштирилган мўл ҳосилни ёғин-сочинли кунларга қолдирмасдан йиғиб-тегиб олишда мустаҳкам замин туғдирди, десак, ҳар томонлама ўринли бўлади.

Бунинг яққол тасдиғини республикамиз пахта хирмонининг қарийб 90 фоизи юқори сортларга топширилгани ҳам исботлаб беради.

Нафақат қишлоқ хўжалиги, балки иқтисодий-мизнинг барча соҳа ва тармоқларида эришаётган марраларимиз авваламбор халқимизга хос меҳнатсеварлик, мардлик ва матонат каби фазилатларда, ҳаёт ўзгариши билан одамларимизнинг онгу тафаккури тобора ўзгариб, уларнинг ўз ерига эғалик, масъулият ва дахлдорлик туйғуси, ўз меҳнатидан манфаатдорлик ҳиссиёти ортиб бораётганида намоён бўлмоқда ва халқимизнинг эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамламоқда.

Мана шу қувончли айёмда ўз шартнома мажбуриятларини биринчилардан бўлиб адо этган Андижон вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Хоразм, Бухоро вилоятлари, барча вилоятларимиз меҳнаткашлари мамлакатимизнинг юксак пахта хирмонига муносиб ҳисса қўшганини миннатдорлик билан таъкидлашни истардим.

Айниқса, Амударё, Эликқалъа, Олтинқул, Пахтаобод, Балиқчи, Пешку, Олот, Муборак, Яқкабоғ, Қизилтепа, Навбахор, Наманган, Нарпай, Қумқўрғон, Бешарик, Кува, Гурлан, Хонқа, Хива туманлари деҳқон ва фермерлари белгиланган режани қисқа фурсатда, 20-25 кунда бажариб, кўпчиликка ўрнат ва намуна бўлгани таҳсинга лойиқдир.

Бухоро туманидаги «Ислом Нарзиобод», Жондор туманидаги «Жонбек Фарход», Арнасой туманидаги «Санзор», Дўстлик туманидаги «Эшнӣз бобо», Миришкор туманидаги «Камалак», Шаҳрисабз туманидаги «Умида она ўғли», Навбахор туманидаги «Арслон бобо», Кармана туманидаги «Авез бобо», Пахтачи туманидаги «Мирзаев Шухрат», Қумқўрғон туманидаги «Мунчоқтепа истикболи», Бекобод туманидаги «Комилжон», Ҳазорасп туманидаги «Ғофур Рухия», Хонқа туманидаги «Мадири Хонқа» сингарии ҳосилдорликни гектаридан 45-52 центнерга етказиб, юксак натижаларга эришган илғор фермер хўжалиқларига самимий ташаккур билдираман.

Шулар қаторида фидокорона меҳнат қилиб, катта хурмат ва эҳтиромга сазовор бўлган фермер ва деҳқонларимизга, Ватанимизнинг улкан хирмонига муносиб ҳисса қўшган барча-барча инсонларга «Балли сизга, азизларим!» деб, уларни чин қалбдан табриклаш

менга катта хурсандчилик бағишлайди.

Муҳтарам дўстлар! Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг пахтачилик соҳасида етакчи мамлакатлардан бири сифатидаги обрўйи ва нуфузи тобора ортиб бораётгани айниқса эътиборлидир.

Яқинда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган ўнчинчи Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида 50 га яқин давлатдан дунё бозорида ном қозongan 1000 дан зиёд йирик фирма ва компанияларнинг вакиллари иштирок этиб, деҳқонларимизнинг пешона тери билан етиштирилган пахта толасига, авваламбор, унинг юксак сифатига катта қизиқиш билдиргани ҳам шундан далолат беради.

Маълумки, 90-йилларда юртимизда етиштирилган жами пахта толасининг атиги 7 фоизи ўзимизда қайта ишланар эди. Ўтган қисқа даврда бу борадаги кўрсаткич 6 баробардан зиёд кўпайгани ҳамда бугунги кунда 44 фоизни ташкил этиб, чет мамлакатларга сотилаётган пахта толасига яна қўшимча қиймат қўшишга имконият яратиб берган шундан илҳомланган узоқни кўзлаб олиб бораётган ишларимизнинг амалий самарасидир.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, жорий йилда пахтачиликдан олинган ялпи даромад ўтган йилга нисбатан 12 фоиз ёки 400 миллиард сўмдан ортиши кутилмоқда. Бу йил пахта хомашёсини юқори сортларга сотишнинг ўзидан фермер хўжалиқлари 200 миллиард сўмдан зиёд қўшимча даромад олишга муваффақ бўлишди. Бунинг ҳисобидан биз деҳқон ва фермерларимизнинг, қишлоқ аҳлининг даромадларини оширишга, кўзлаган эзгу марраларимизга етиш, эл-юртимизни янада обод ва фаровон бўлишига эришамиз, иншоолло.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Мана шундай хурсандчилик кунларда барчангизни мамлакатимиз тараққиёти йўлида қўлга киритилган катта меҳнат ғалабаси билан яна бир бор чин қалбдан табриклайман.

Эл-юртимиз, хонадонларимиздан файзу барака, тинчлик-осойишталик аримасин!

Яратганимизнинг ўзи барчамизга доимо мададкор бўлсин!

Ҳеч қачон кам бўлманг, ҳалол меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, азизларим, қадрдонларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН – ТУРКМАНИСТОН:

ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

(Давоми, бошланиши
1-саҳифада)

Бу, айниқса, Афғонистон масаласига муносабатда ёрқин намоён бўлади. Ўзбекистон ва Туркменистон Афғонистоннинг яқин қўшнилари сифатида темир йўллар ва кўприклар барпо этиш, муҳим инфратузилма объектларини тиклаш, электр энергияси ва бошқа маҳсулотлар етказиб бериш бўйича лойиҳаларни амалга ошириб, бу орқали мазкур мамлакатда тинчлик ва осойишталик ўрнатилишига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.

Дунёнинг турли минтақаларида вазият шиддат билан ўзгараётган, воқеалар ривожини олдиндан айтиб бўлмайдиган ҳолатга келган, босқинчилик ва зўравонлик кенгайиб бораётган бугунги шароитда давлат раҳбарларининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, экологик хавфсизликни таъминлаш масалаларидаги ҳамфикрлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимухамедов минтақада сув ресурсларидан фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар. Таъкидланганидек, сув-энергетика соҳасига доир масалаларни ҳал қилишда, жумладан, трансчегаравий дарёларда йирик гидроэнергетика иншоотларини барпо этишда БМТнинг тегишли конвенцияларида белгилаб берилган халқаро меъёrlарга мувофиқ иш тутиш, бундай объектларнинг лойиҳаларини мустақил халқаро экспертизадан ўтказиш зарурлиги қайд этилди.

Президентлар ўзаро ҳамкорлик стратегиясини ривожлантириш, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар юзасидан позиция ва қарашларни ўзаро мувофиқлаштириб бориш мақсадида олий даражадаги учрашувларни мунтазам давом эттиришга келишиб олдилар.

Кенгайтирилган таркибдаги музокарада савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2013 йилда 353,9 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, жорий йилнинг январь-август ойларида 246 миллион доллар етди. Лекин, қайд этилганидек, томонларнинг имкониятлари бу рақамлардан анча юқори.

Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича

Ўзбекистон-Туркменистон ҳукуматлараро комиссияси савдо ҳажмини ошириш, сармоявий ҳамкорликни кенгайтиришнинг янада самарали чора-тадбирлари ва механизмларини ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ экани таъкидланди.

Ўзбекистон ва Туркменистоннинг иқтисодий ҳамкорлигида транспорт коммуникациялари муҳим йўналишлардан биридир. Икки мамлакатнинг автомобиль ва темир йўллари яхши интеграциялашган тизим бўлиб, нафақат Ўзбекистон ва Туркменистон, балки учинчи давлатлар учун ҳам қулай транзит мажмуи вазифасини ўтамоқда.

Мамлакатларимиз икки ва кўп томонлама асосда транспорт коммуникациялари соҳасидаги ҳамкорликни фаол ривожлантирмоқда. Хусусан, Президент Ислом Каримов ташаббусининг амалий ифодаси бўлган Ўзбекистон — Туркменистон — Эрон — Умон янги халқаро транспорт-коммуникация коридорини барпо этиш бўйича 2011 йили имзоланган битим муҳим геостратегик аҳамиятга эгадир.

Ушбу гоёнинг ҳаётга татбиқ этилиши Марказий Осиё давлатларини Яқин Шарқнинг иқтисодий фаол кўрғазла-ридаги бандаргоҳлар билан боғлаш имконини беради. Бу келгусида божхона соҳасида, автомобиль, темир йўл ва денгиз транспорти орқали юк ташвиш ва транзит қилишда қулайликлар яратилишига йўл очади.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, қўшма лойиҳалар сармоявий ҳамкорлик ривожига янги суръат бахш этади.

Экспертларнинг фикрича, лойиҳа ижроси якунига етгач, бошқа мамлакатлар ҳам ундан фойдаланишдан манфаатдорлик билдиради. Бу лойиҳанинг жозибадорлигини янада оширади.

Иқтисодий алоқаларнинг устувор йўналишларидан яна бири энергетика соҳасидир.

Ўзбекистон ва Туркменистонда углеводород ресурсларининг йирик захира-ларини мавжуд, лекин икки мамлакат ҳам жаҳон бозорларига тўғридан-тўғри чиқиш йўлига эга эмас. Бундай шароитда ўзаро мувофиқлаштирилган ҳамкорлик яхши самара беради. Бунга муваффақиятли амалга оширилаётган ва мамлакатларимизга табиий газ экспорти йўналишларини диверсификация қилиш имконини берган Туркменистон — Ўзбекистон — Қозоғистон — Хитой трансмиллий газ қувури лойиҳаси яққол тасдиқ бўлади.

Музокарада қўшма корхоналар, мил-

лий фирма ва компаниялар ваколат-хоналарининг сонини кўпайтириш ма-салалари ҳам муҳокама қилинди. Икки мамлакатнинг салоҳиятини намоён этишга, тадбиркорларнинг бевосита мулоқотлари учун янги имкониятлар очишга хизмат қиладиган миллий кўрғазмаларни ташкил қилиш аъна-сини изчил давом эттиришга келишиб олинди.

Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасида маданий-гуманитар соҳада-ги ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Бу борада 2014—2016 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури до-ирасида икки мамлакатнинг мадания-т ва санъат намояндalарини Ўзбеки-стон ва Туркменистонда ўтказиладиган турли концертлар, фестиваль ва кўри-клар, кўрғазма ва форумларда фаол иш-тирок этмоқда.

Келишувга биноан бундан буён ҳам иккала мамлакатда ташкил этиладиган маданий тадбирлар ва спорт мусоба-қалари ҳақида мунтазам равишда маъ-лумот алмашиб борилади ҳамда ма-даният ва санъат намояндalарининг, спортчиларнинг фаол иштироки таъ-минланади. Рассомлар асарлари кўрғазмаларини, хунармандлик маҳсу-лотлари ярмаркаларини, мусиқа ва те-атр жамоаларининг ижодий сафарла-рини ташкил этиш давом эттирилади.

Музокарада сайёҳлик соҳасида мамлакатларимиз улкан имкониятлар-га эга экани таъкидланди. «Буюк ипак йўли» сайёҳлик лойиҳаси доирасида комбинациялашган саёҳатлар ташкил қилиш орқали бу соҳадаги алоқалар-ни фаоллаштиришга келишиб олинди. Бошқача айтганда, Ўзбекистонга кел-ган сайёҳ Туркменистон, Туркмени-стонга борган сайёҳ Ўзбекистон орқа-ли қайтиб кетишини йўлга қўйиш мум-кин. Шу тариқа миллий авиакомпани-яларнинг ҳамкорлигини кенгайтириш учун ҳам яхши замин яратилади.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов Қўшма баёнотни имзоладилар. Икки мамлакат ўртасида замонавий қишлоқ хўжалиги техникаси воситалари ет-казиб беришга, ташқи сиёсат маҳка-малари ва савдо-саноат палаталари ўртасидаги муносабатларга, экология соҳасида ҳамкорликка оид ҳужжатлар имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари ва-киллари билан учрашувда Президент-лар ушбу ташриф ўзаро ҳурмат, ишонч

ва манфаатдорликка асосланган олий даражадаги самарали мулоқотнинг давоми бўлганини, икки томонлама муносабатларнинг долзарб масалалари-ни муҳокама этиш, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашиш учун қулай фурсат яратганини таъкидладилар. Музокаралар очиқлик, ўзаро англашув ва ҳамжиҳатлик руҳида ўтгани, имзо-ланган ҳужжатлар Ўзбекистон ва Тур-кменистон халқлари манфаатлари йўлидаги серқирра ва дўстона муно-сабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилиши қайд этилди.

Саммитнинг асосий воқеалари ни-хоясига етгач, давлат мукофотлари билан тақдирлаш маросими бўлди. Икки томонлама муносабатларни мус-таҳкамлаш ҳамда ўзбек ва туркман халқлари ўртасидаги дўстлик ва ма-даний ҳамкорлик алоқаларини ривож-лантириш йўлидаги буюк хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Прези-денти Ислом Каримов Туркменистон-нинг Махтумқули номидаги халқаро мукофоти билан тақдирланди. Ўзбек ҳамда туркман халқлари ўртасидаги дўстлик ва яхши қўшничилик муноса-батларини мустаҳкамлаш, ўзаро ман-фаатли ва самарали ҳамкорликни ри-вожлантириш борасидаги катта хиз-матлари учун Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовга Ўзбекистон Республикасининг «Муста-қиллик» ордени топширилди.

Куннинг иккинчи ярмида Президент Ислом Каримов «Halk hakudasy» («Халқ хотираси») хотира мажмуига ташриф буюрди. Мамлакатимиз раҳбари Ик-кинчи жаҳон урушида ҳамда Гўктепа жангида (1880-1881) ҳалок бўлганлар, Ашхобод зилзиласи (1948) қурбонла-ри хотирасига ҳурмат бажо келтириб, ёдгорлик пойига гул қўйди. Ислом Каримов ушбу воқеалар ҳақида ҳикоя қилувчи музей экспонатлари билан танишиб, Фахрий меҳмонлар китоби-га дастхат ёзиб қолдирди.

Шу билан Ўзбекистон Республика-си Президенти Ислом Каримовнинг Туркменистонга расмий ташрифи яку-нига етди. Ашхобод музокаралари ва эришилган келишувлар Ўзбекистон ва Туркменистон ўзаро манфаатли ҳам-корликни ривожлантириш йўлидан со-битлик билан бораётганини яна бир бор тасдиқлади.

Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА махсус мухбири.

Тошкент — Ашхобод — Тошкент.

Anjuman

Ахборот Ва сўз эркинлиги

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамия-тини ривожлантириш концепцияси»нинг ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш бўлимида таклиф этилган қонунлар лойиҳалари устида олиб борилаётган ишлар» мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси-нинг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этилган анжуманда Концепцияда белгиланган де-мократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда

ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фао-лиятининг очиқлиги принцип-ларини амалга ошириш, фуқа-ролик жамияти институтлари тизимида ОАВнинг ролини яна-да кучайтириш хусусида сўз борди.

Концепцияда белгиланган вазифалар доирасида жорий

йилда қабул қилинган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқ-лиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни асосида давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида жамоатчилик-ни хабардор қилиш, оммавий ахборот воситалари ходимла-ри билан давлат органлари ўртасида яқин ҳамкорликни ўрнатиш, журналистлар томони-дан ахборот олиш ва тарқатиш масалаларида кенг имконият яратилди.

— Концепция доирасида ах-борот бозори иштирокчилари фаолияти самарадорлигини кучайтириш, уларнинг иқтисо-дий манфаатларини ҳимоя қилиш, оммавий ахборот воси-таларига қўшимча иқтисодий

имкониятлар яратиш ва миллий ахборот маконини изчил ри-вожлантиришни таъминлашга қаратилган «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғриси-да», «Оммавий ахборот воси-таларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатла-ри тўғрисида»ги қонунлар лой-иҳалари ишлаб чиқилган, — дейди Олий Мажлис Қонунчи-лик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси Шухрат Деҳқонов. — Лойиҳа-ларнинг қабул қилиниши ОАВ-нинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, журнали-стларни моддий рағбатланти-риш масалаларини янада та-комиллаштирилган нормалари-

ни ўз ичига олади. Мазкур қонунларда ахборот воситала-рига давлат томонидан субси-диялар бериш, давлат грантла-ри ажратиш, ижтимоий буюр-тмаларни молиялаштириш каби масалалар ҳам кўзда ту-тилиши бевосита бу соҳанинг янада равнақ топишида муҳим аҳамият касб этади.

Тадбирда Ўзбекистон Мат-буот ва ахборот агентлиги, Миллий телерадиокомпания, Мустақил босма ОАВ ва ахбо-рот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Электрон ОАВ Миллий ассоциацияси, Журна-листларни қайта тайёрлаш ха-лқаро маркази вакиллари, етакчи ижодий ходимлар ва та-лабалар иштирок этди.

Матбуот анжуманида журна-листларга қабул қилинаётган қонунлар ва олиб борилаётган ишлар ҳақида атрофлича маъ-лумот берилди.

Назokat ҚУРБОННИЁЗОВА,
«Turkiston» мухбири

«БАРКАМОЛ АВЛОД» МАРКАЗЛАРИ

бўш вақтни хуш вақтга айлантиради

Ўқувчининг бўш вақти

Бугунги ўсмирлар бўш вақтини қандай ўтказиши ота-оналар, устозлар, қолаверса, барчамиз учун катта аҳамиятга эга. Агар ўқувчи бўш вақтини бир мақсадга йўналтирмаса, ҳар турфа шов-шувга бой, аммо фойдали билим бермайдиган интернетнинг ахборот хуружлари таъсирига тушиб қолиши ҳеч гап эмас. Компьютер ўйинлари каби инсоннинг бебаҳо умрини совуриб, нафақат кунларни, балки йилларни лаҳзадай ўтказиб юборадиган воситалар атрофимизда тўлиб-тошиб ётибди. Шундай муҳитда ҳар ким ўз олдида бирон мақсад қўйиши ва уни амалга ошириши сари интилиши, шунга яраша билим-кўникмаларни эгаллаши лозим. Демак, ўсмир ўзининг бўш вақтини одоб, билим, саломатлик — баркамоллик сирларини ўзлаштиришга бағишлаши керак. Акс ҳолда...

Бугунги шиддат билан ривожланиб бораётган давримизда ёшларнинг оддий мактаб даражасида билим олиши етарли эмаслиги барчага аён. Шунинг учун ҳам тўққиз йиллик умумий таълимдан сўнг уч йиллик касб-хунар таълими йўлга қўйилганки, хунар эгаллаган ёшлар истасалар, олий таълим муассасаларида таълим олишни давом эттириши ёки танлаган касби бўйича меҳнат фаолиятини бошлаши мумкин. Таъкидлаш жоиз, ўқувчи касб-

хунар коллежига киргунга қадар ҳам ўзи қизиққан хунар сирларини ўрганиб олиши ёки касб танлаши учун таълим тизимида етарли шароит бор. Демак, ўқувчилик давридаёқ ўзини қизиқтирган касб ёки хунар сирларини эгалласа бўлади.

Биринчидан, умумтаълим мактабларидаги касб-хунар оид ёки фан тўғрақлари ўқувчиларга танлаган йўналиши бўйича атрофли ва чуқур билим бериши мумкин (Ҳозирги вақтда ҳатто, мактабга таълим муассасаларида ҳам инглиз тили тўғрақлари очилган). Кўпчилик ўқувчилар учун бу имкониятнинг қўлайлиги шундаки, фанни ҳам ва бу фанни ўрганиш юзасидан қўшимча билим берувчи тўғрақ машгулотини ҳам бир ўқитувчи ўтади. Бу борада ўқувчи ва муаллим бир-бирининг имкониятларини эгаллаши мумкин. Демак, ўсмир ўзининг бўш вақтини одоб, билим, саломатлик — баркамоллик сирларини ўзлаштиришга бағишлаши керак. Акс ҳолда...

Иккинчидан, мактабдан ташқари ёки қўшимча таълим муассасалари — болалар спорт мажмуалари, болалар мусиқа ва санъат мактабларида ташкил этилган тўғрақларда ўқувчининг қизиқишларига кўра билим берилади. Бу масканларда тарбияланаётган ёшлар нафақат республикамизда, балки халққаро спорт мусобақаларида, мусиқа ва санъат танловларида юксак натижаларга эришмоқда. Мамлакатимиз спорти ва санъати ривожига ҳисса қўшадиган истеъодларни етказиб берувчи бошланғич таълим мас-



кани сифатида шаклланган бу муассасалар моддий-техник жиҳатдан ҳам, ўқув-услубий жиҳатдан ҳам, асосийси, тажрибали устозлар билан етарли даражада таъминланган. Айни вақтда республикамизда уч юздан мажмуалари, болалар мусиқа ва санъат мактабларида ташкил этилган тўғрақларда ўқувчининг қизиқишларига кўра билим берилади. Бу масканларда тарбияланаётган ёшлар нафақат республикамизда, балки халққаро спорт мусобақаларида, мусиқа ва санъат танловларида юксак натижаларга эришмоқда. Мамлакатимиз спорти ва санъати ривожига ҳисса қўшадиган истеъодларни етказиб берувчи бошланғич таълим мас-

кани сифатида шаклланган бу муассасалар моддий-техник жиҳатдан ҳам, ўқув-услубий жиҳатдан ҳам, асосийси, тажрибали устозлар билан етарли даражада таъминланган. Айни вақтда республикамизда уч юздан мажмуалари, болалар мусиқа ва санъат мактабларида ташкил этилган тўғрақларда ўқувчининг қизиқишларига кўра билим берилади. Бу масканларда тарбияланаётган ёшлар нафақат республикамизда, балки халққаро спорт мусобақаларида, мусиқа ва санъат танловларида юксак натижаларга эришмоқда. Мамлакатимиз спорти ва санъати ривожига ҳисса қўшадиган истеъодларни етказиб берувчи бошланғич таълим мас-

кани сифатида шаклланган бу муассасалар моддий-техник жиҳатдан ҳам, ўқув-услубий жиҳатдан ҳам, асосийси, тажрибали устозлар билан етарли даражада таъминланган. Айни вақтда республикамизда уч юздан мажмуалари, болалар мусиқа ва санъат мактабларида ташкил этилган тўғрақларда ўқувчининг қизиқишларига кўра билим берилади. Бу масканларда тарбияланаётган ёшлар нафақат республикамизда, балки халққаро спорт мусобақаларида, мусиқа ва санъат танловларида юксак натижаларга эришмоқда. Мамлакатимиз спорти ва санъати ривожига ҳисса қўшадиган истеъодларни етказиб берувчи бошланғич таълим мас-

ТАКОМИЛЛАШГАН МАРКАЗЛАР

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2011 йил 28 февралдаги «Мактабдан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинганидан сўнг марказлар фаолияти қайта ташкил этилиб, уларни замон талаблари даражасида жиҳозлаш, моддий-техник манбаини ривожлантириш борасида янги давр бошланди.

Республика бўйича халқ таълими тизимидаги жами 211та кўп тармоқли «Баркамол авлод» болалар марказлари, яъни ҳар бир туман (шаҳар)да ҳамда ҳудудий марказларда биттадан, шунингдек, техник, бадий ижодиёт, ўлкашунослик ва экология

нодавлат муассасалари билан ҳамкорлик қилар экан, мавжуд тўғрақлар фаолиятини янгиликлар билан бойитиб боради. Айниқса, марказларнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан биргаликда ташкил этаётган тадбирлари эътиборга молик. Бу албатта, фаолиятда 51та, 2013 йилда 64та марказ мукамал таъмирланиб, жиҳозланди. Шунингдек, жорий йилда 66та марказда шундай бунёдкорлик ишлари олиб боришмоқда.

Марказларда яратилаётган замонавий шарт-шароитлар натижасида тўғрақлар ва уларга жалб қилинаётган болалар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. 2011 йилда марказлардаги жами тўғрақлар сони 2423та бўлса, орадан уч йил ўтиб 4485тага етди, жорий йилги кўрсаткич эса икки баробардан ошди. Шунингдек, ўтган уч йил давомида ушбу тўғрақлардаги ўқувчилар сони ҳам (68401 нафардан 107953 нафарга) қарийб юз фоизга ортди. Уларга республика бўйича беш ярим минг нафарга яқин педагоглар касб-хунар сирларини ўргатмоқдалар.

Республика халқ таълими вазирилик қўшидаги уч йўналишда фаолият юритаётган марказлар — Бадий ижодиёт, Техник ижодкорлик ва Ўлкашунослик ва экология марказлари намунали тўғрақлар ташкил этиш билан бирга юртимиздаги барча «Баркамол авлод» марказларига услубий таъминотни ҳам амалга оширади. Илғор иш тажрибаларини аниқлайди, қўллаб-қувватлайди ва оммалаштиради. Республика марказлари бевосита илмий-тадқиқот институтлари, ўз соҳаларига оид йирик ишлаб чиқариш ташкилотлари, давлат ва

РАНГ-БАРАНГ ТЎҒАРАҚЛАР

Баркамол авлод марказларининг ўзига хослиги ва ўқувчилар учун қўлайлиги — унинг кенг қамровли экани ва турли йўналишлардаги тўғрақларга бойлигидир. Уларда болалар марказлари бевосита илмий-корлик, ўлкашунослик ва экология соҳалари бўйича бошланғич касб-хунар сирларини ўрга-

ниши мумкин. Бу уч йўналиш ўз доирасида яна ўнлаб тўғрақларни ҳосил қилади. Жумладан, ўлкашунослик ва экология йўналишида сайёҳлик, ўлкашунослик, экология, гулчилик, боғдорчилик каби, техник ижодкорлик соҳасида самолётсозлар, автомобилсозлик, чилангарлик, металга гул солиш синдири, бадий ижодиёт йўналишида шеърят, рақс, рассомлик, каштачилик, ганчкорлик ва бошқа ўнлаб тўғрақлар очилган.

«Баркамол авлод» болалар марказларининг асосий вазифалари болаларнинг қизиқишларига мувофиқ равишда ижодий ва бадий қобилиятларини ривожлантириш, уларнинг мактаб таълимидан бўш вақтларини фойдали фаолиятга йўналтиришдир. Жумладан, техник билимларга қизиқувчи ўқувчилар меҳнатсеварликни, касб тайёргарлигининг дастлабки ўқув ва кўникмаларини синдириш, фан-техника тараққиётининг истиқболли йўналишларига мувофиқ равишда техник воситалар ва компьютер технологиялари воситасида техник ижодкорликни ривожлантириш имкониятини яратади. Экология ва ўлкашунослик соҳасига интилувчи болалар эса, жонажон ўлкаимиз тарихи, археология ва маданий меросини чуқур ўрганиши, табиий бойликларимиз билан танишиши ҳамда экология, атроф-муҳит муҳофазаси борасида дастлабки билимларни эгаллаши мумкин.

Тўғрақ раҳбарлари орасида моҳир усталар, таниқли санъаткорлар борки, уларнинг меҳнатлари самараси сифатида марказлар фаолияти мазмунан такомиллашиб бормоқда. Илғор педагогик усуллардан, замона-

вий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг янги шакллари кенг жорий этиш учун имкониятлар яратилган. Тўғрақларнинг замонавий даражада фаолият юритиши учун асбоб-ускуналар билан таъминланган. Ҳукумат қарори билан марказларни моддий-техник жиҳозлаш меъёрлари тасдиқланган. Турли машиналари, турли дастгоҳлар, ўқув жиҳозлари, ҳар бир тўғрақнинг мазмунидан келиб чиқиб, эҳтиёжга яраша таъминланган. Марказларда тадбирлар ва кўргазма заллари бўлиб, улар замонавий овоз кучайтиргич ва ёриткич воситалари билан жиҳозланган. Ёш истеъодлар учун ижод намуналарини фойдали фаолиятга йўналтиришдир. Жумладан, техник билимларга қизиқувчи ўқувчилар меҳнатсеварликни, касб тайёргарлигининг дастлабки ўқув ва кўникмаларини синдириш, фан-техника тараққиётининг истиқболли йўналишларига мувофиқ равишда техник воситалар ва компьютер технологиялари воситасида техник ижодкорликни ривожлантириш имкониятини яратади. Экология ва ўлкашунослик соҳасига интилувчи болалар эса, жонажон ўлкаимиз тарихи, археология ва маданий меросини чуқур ўрганиши, табиий бойликларимиз билан танишиши ҳамда экология, атроф-муҳит муҳофазаси борасида дастлабки билимларни эгаллаши мумкин.



миз ва аъналаримизни ҳақон сахналарида тенгдошларига намоиш этиб, кўпчиликка манзур эта олди.

НАТИЖАЛАР

Миллий адабиётимиз тарихида Ғайратий домланинг Ўқувчилар саройида очилган адабиёт тўғраги ҳақида кўп бор ёзилган. Чунки ўтган асрнинг 50-йилларида Ўқувчилар уйда ташкил этилган бу тўғрақдан кейинчалик халқимиз севган шоирлар — Эркин Воҳидов, Сайёров, Хайридин Салоҳ каби бундай мисолларни истаганча келтириш мумкин.

Агар истеъодли болаларнинг халққаро танловлардаги ютуқларини мазмунан таҳлил этсангиз, улар барча йўналишларда ҳам мумтоз санъатимиз, маданиятининг атоқли вақилларидир.

Республика «Баркамол авлод» марказидаги доирачилар тўғраги ҳам дунёга машҳур. Ҳозирги вақтда нафақат республикамиз, балки хорижда ҳам таниқли бўлган болалар бадий қаваскорлик дастлари — Тошкент шаҳри Шайхонтохур туманидаги марказинг «Асал», Чилонзор туманидаги марказинг «Аладдин», Яққасарой туманидаги марказинг «Фольклор-вокал» каби ўндан ортиқ халққаро миқёсларда хорижлик тенгдошларига таништирилади. Биргина мисол, ўтган йили Москва шаҳрида «Яшил сайёра — 2013» халққаро болалар экологик форуми доирасида бўлиб ўтган «Яшил сайёра болалар нигоҳида» мавзудаги расмлар, «Хилма-хил асрий аъналар» мавзудаги кўлик ишлари, «Замонавийлик ва аъна» мавзудаги экологик тоза хомашёдан тайёрланган либос дизайни коллекцияси деб номланган учта танловда ҳам Тошкент шаҳар «Баркамол авлод» болалар марказининг «Тасвирий санъат», «Либослар дизайни» тўғрақларининг ўндан ортиқ ўқувчилари совринли ўринларни эгаллаши асносида миллий либослари-

моновий ашула ва рақс халққаро болалар фестивалида, Словениянинг Витецк шаҳрида «Славян бозори — 2013» халққаро болалар мусиқа кўрик-танловида, Украинанинг Ливадия шаҳрида «Юдузли Крим» халққаро фестивалида, Латвия пойтахтида «Рига симфония» халққаро болалар кўшиқлари кўрик-танловида катта муваффақиятларга эришди. Бундай мисолларни истаганча келтириш мумкин.

Агар истеъодли болаларнинг халққаро танловлардаги ютуқларини мазмунан таҳлил этсангиз, улар барча йўналишларда ҳам мумтоз санъатимиз, маданиятининг атоқли вақилларидир.

Республика «Баркамол авлод» марказидаги доирачилар тўғраги ҳам дунёга машҳур. Ҳозирги вақтда нафақат республикамиз, балки хорижда ҳам таниқли бўлган болалар бадий қаваскорлик дастлари — Тошкент шаҳри Шайхонтохур туманидаги марказинг «Асал», Чилонзор туманидаги марказинг «Аладдин», Яққасарой туманидаги марказинг «Фольклор-вокал» каби ўндан ортиқ халққаро миқёсларда хорижлик тенгдошларига таништирилади. Биргина мисол, ўтган йили Москва шаҳрида «Яшил сайёра — 2013» халққаро болалар экологик форуми доирасида бўлиб ўтган «Яшил сайёра болалар нигоҳида» мавзудаги расмлар, «Хилма-хил асрий аъналар» мавзудаги кўлик ишлари, «Замонавийлик ва аъна» мавзудаги экологик тоза хомашёдан тайёрланган либос дизайни коллекцияси деб номланган учта танловда ҳам Тошкент шаҳар «Баркамол авлод» болалар марказининг «Тасвирий санъат», «Либослар дизайни» тўғрақларининг ўндан ортиқ ўқувчилари совринли ўринларни эгаллаши асносида миллий либослари-

Бу борада «Баркамол авлод» марказларининг аҳамиятини ота-оналар, айниқса, оталар ўз вақтида англаб етиши, фарзандларининг бўш вақтларини мазмунли ўтказишини ташкил қилишда улардан самарали фойдаланиши мақсадга мувофиқ.

Хуמוюн АКБАРОВ

Ilm sarhadlarida

БАХТИНУР — МАРКАЗИЙ ОСИЁДАН ЯГОНА ВАКИЛ



Боз устига, тиш касалликлари профилактикасини сут тишларидан бошлаш керак. Қанчалик парадоксал бўлмасин, мазкур тезис аллақачон ҳам амалиётда, ҳам илмда ўз исботини топган. Қахрамонимиз, болалар стоматолог Бахтинур Худановнинг илмий тадқиқоти билан танишиб мавзуну янада чуқурроқ ўргандик.


Бахтинур Тошкент давлат стоматология институтининг стоматологик касалликлар профилактикаси кафедраси ассистенти. Унинг докторлик диссертацияси «Болаларда тиш фиссураси кариесининг профилактикаси ва давоси» мавзусига бағишланган. Кариес тарқалиши жиҳатидан стоматологик касалликлар орасида биринчи ўринда туради. Асосий сабаб тишни ўз вақтида, муҳими, тўғри ва тўлиқ тозаласликдир.

— Кариес каттаю кичикда бир хил — аксарият ҳолатларда чайнов тишларидан бошланади, — дейди Бахтинур Худанов. — Болаларда улар бутун тишлар юзасининг бор-йўғи 12 фоизини ташкил қилишига қарамай, 80-85 фоиз ҳолатда кариесга чалинувчан бўлади. Мазкур ҳолат сут чайнов тишларининг нисбатан юмшоқлиги билан ҳам боғлиқ. Янги чиққан тиш тўлиқ мустаҳкамланиши (минерализация жараёни) учун тўрт йил талаб қилинади. Демак, бола олти ёшга етгунга қадар тишларини эҳтиёт қилиши жуда қийин. Чайнов тишлар юзасидаги ботиб кирган ёриқларни фиссура деб атаймиз. Одатда овқат қолдиқлари шу ёриқларга тегилиб қолади. Тиш чўткаси тукчаларининг диаметри фиссура диаметридан катта бўлганлиги сабабли фиссурага яши этиб бормайди. Натижада бактерияларнинг кўпайишига замин ҳозирланади. Айниқса, болаларда. Чунки одатда бола тишини тартиб-қоида бўйича, маромига етказиш ювмайди. Ота-онасидан ўрганганини қилади-да. Асарият ота-оналаримиз эса тишни тўғри тозалаш ҳақида етарли тушунчага эга эмас. Ваҳоланки, оғиз бўшлиғи гигиенаси ҳам тиб-

бий маданиятнинг ажралмас бўлаги. Бу масалада эътиборсизлик қандай жиддий асоратларга олиб келишини ҳар бир инсон кичиклигиданоқ аниқ тасаввур қила олиши керак. Масалан, болаларда фиссура кариеси ўлим ҳолатига олиб келиши мумкинлигидан кўпчилик беҳабар. Афсуски, аксарият ота-оналарда боламининг сут тишлари тушиб кетиши билан муаммо йўқолади, деган мутлақо янглиш фикр бор. Бу ҳам тиббий маданиятнинг саёзлигидан далолат.

— Сут тишларининг умри қисқа бўлишига қарамай, улар ҳаёти давомида тўплаган биоинформацияни ўзидан кейинги тишларга, албатта, етказди, — давом этади суҳбатдошимиз. — Касаллик ҳам биоинформациянинг бир кўриниши. Шу маънода кариесга учраган сут тишларидаги патологик ўзгаришлар доимий тишларда салбий из қолдириши муқаррар. Бунинг оқибатида доимий тишлар заифлашиб, нотекис ва бошқа нуқсонлар билан ўсиши ёки умуман чиқмай қолиши мумкин. Фиссура кариеси билан курашишнинг энг самарали йўли — бирламчи профилактика, яъни касаллик пайдо бўлмасидан унинг олдини олиш. Дунё тажрибасига юзланайлик. Бугунги кунда кариеснинг тарқалиши бўйича Финляндия, Германия, Швеция, Норвегия энг охириги ўринларда турибди. Бу давлатларда кариеснинг жадаллик кўрсаткичи ҳам жуда паст — ўртача 0,7-0,8га тенг. Юртимизда аҳвол бироз хавотирли. Таҳлилларимизга кўра, ҳар бир одамнинг 6-7тагача тиши кариес билан касалланган. Европаликлар юқоридаги ижобий кўрсаткичга қандай қилиб эришди, деган табиий савол туғилади. Ривожланган мамлакатларда кариеснинг тиббий профилактикаси тизимли йўлга қўйилган. Яъни аҳоли ўзи англаган ҳолда тиши ҳали бутун ва соғлом пайтида стоматологга мурожаат қилиб чайнов тишлари фиссурасини пломбалатади. Бунинг учун ҳозир фтор сакловчи махсус пломба ашёларидан фойдала-

Тишни тозалашдан осони йўқ. Ушбу оддий гигиена қоидасига ҳамма болаликдан амал қилади. Бироқ нечоғлик тўғри? Оғиз бўшлиғида тиш чўткаси билан қилинган «нотўғри ҳаракат» организмда бир қатор хавфли касалликларни келтириб чиқариши кўпчилиكنинг ҳаёлига ҳам келмайди. Стоматолог ҳузурига тиш оғриганда эмас, балки тишларимиз бутун ва соғлом бўлганида бориш ҳам биз учун бироз ғайриодатий ҳол.



нилмоқда. 2012 йилда илмий ишим юзасидан Германиянинг Хайдельберг университетидан малака ошириш давомида мазкур амалиёт билан яқиндан танишдим. Менга тадқиқотининг бир қисмини бевосита шу илмий даргоҳда, кариесология соҳасида дунёдаги етакчи олимлардан бири, профессор Андреас Шульте раҳбарлигида олиб бориш имкони ҳам туғилди.

Орттирилган билим ва тажрибага таяниб, Бахтинур Худанов Ўзбекистонда тиш кариесининг олдини олиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқди. Унинг фикрича, мазкур дастур давлат даражасида амалга оширилиши лозим. Шунингдек, ёш олим болаларда фиссура кариесининг профилактикаси сифатида илк маротаба сут тишларини герметиклар билан пломбалашни таклиф қилмоқда.

— Ушбу амалиётни уч ёшдан, яъни болада барча сут тишлари чиқиб бўлиши биланок бошлаш мақсадга мувофиқ, — таъкидлайди Бахтинур. — Қолаверса, дастлабки даврда кариеснинг тиббий профилактикаси аҳоли, хусусан, болалар орасида ёппасига бепул олиб борилиши керак, деб ҳисоблайман. Шунда давлатнинг аҳолини соғломлаштириш, тиш кариеси ҳамда унинг асоратлари (пульпит, периодонтит ва бошқалар) келтириб чиқарувчи бир қанча ялғиланиш касалликлари (абсцесс, филегимона, периодит, остеомиелит)ни даволашга сарфлаётган харажатлари тежаллади. Юртдошларимизнинг тиббий маданияти ҳам юксалиб, беш-ўн йилдан кейин кариеснинг тарқалиши ва жадаллик кўрсаткичлари сезиларли равишда пасайтиришимиз мумкин.

Оғиз бўшлиғи гигиенаси юзасидан аҳолининг тиббий маданиятини оширишда ёш тадқиқотчи тарғиботнинг родини ҳам юқори баҳолайди. Бу бўйича қахрамонимиз ҳатто алоҳида тарғибот лойиҳасини ишлаб чиқиб, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатига тақдим этган.

— Тан олиш керак, бугунги кунда аҳолига оғиз бўшлиғи гигиенаси ҳақида деярли ҳеч қандай маълумот берилмаяпти. Айтайлик, бола тишни тўғри ювишни қаердан ўрганиши керак? Ёки тиш тозалашда паста ва чўткадан ташқари яна қандай воситалари-

дан фойдаланиш зарур? Шунга ўхшаш саволлар уйғонганда қўл остимизда ишончли ахборот манбаси бўлса қани эди. Шу мақсадда тарғибот лойиҳаси доирасида стоматологик касалликлар профилактикаси бўйича мамлакат миқёсида ахборот кампаниясини ташкил қилиш, хусусан, махсус брошюра ва флаерлар, ижтимоий видеоролик ва бошқа хилдаги медиа маҳсулотлар тайёрлаб, оммалаштиришни кўзда тутдик. Бунга қўшимча равишда Тошкент давлат стоматология институти талабаларидан тренерлар гуруҳи шакллантирилади. Улар таълим муассасаларида тарғибот ишларини олиб бориш асносида ўз билимини тенгдошларига улашади. Лойиҳанинг яна бир муҳим жиҳати тарғиботга жойлардаги фаол, ташаббускор йигит-қизларни ҳам жалб этишдан иборат. «Тенгдош-тенгдошга» усули асосий қисмини ёшлар ташкил қилувчи жамиятимизни кариеснинг хавфли оқибатларию уларни бартафат этиш йўллари ҳақида оғоҳ этиш имконини беради.

Бахтинур Худанов 2012 йилдан буён Европа кариесология ассоциациясининг аъзоси. Бутун жаҳон бўйича тўрт юз нафарга яқин соҳа мутахассисларини бирлаштирувчи ушбу йирик, нуфузли ташкилотда Бахтинур нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиёдан ягона вакилдир. Ўтган йили у Ассоциациянинг грантини қўлга киритиб, Англиянинг Ливерпуль шаҳрида бўлиб ўтган конгрессда илмий маърузаси билан қатнашди.

Қахрамонимиз инглиз тилини пухта билади. Бир қанча етакчи халқаро илмий марказлар билан алоқа ўрнатган, хорижлик ҳамкасблари билан мунтазам ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ҳозирга қадар хорижда унинг ўндан ортиқ илмий мақола ва тезислари чоп этилган.

— Медицина соҳасида Нобель мукофоти совриндори Харольд цур Хаузен билан мулоқот қилишни анчадан бери орзу қилардим, — дейди Бахтинур. — Германияда бўлганимда шу олим билан кўришиш насиб қилди. Илм бобида у билан фикр алмашдим. Бугун биз, ёшлар ҳеч кимдан кам эмасмиз. Бу ҳам бўлса, юртимизда таълим олиш учун яра-

тилган шароитларнинг маҳсули. Яқин йилларда юртимиз олимлари орасидан Нобель мукофоти совриндорлари чиқишини хоҳлайман. Бу балан дпарвоз гаплар эмас. Жорий йилда Президентимизнинг ташаббуси билан Тошкент тиббиёт академиясининг стоматология факультети негизида янги — Тошкент давлат стоматология институти ташкил этилди. Тез орада институти-миз қошида жаҳондаги манаман деган илмий марказлардан сира қолишмайдиган, энг сўнги русумдаги тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланадиган замонавий Стоматология ва юз-жағ жарроҳлиги илмий-амалий маркази фаолият кўрсата бошлайди. Бундай шароитда мураккаб истиқболли тадқиқотларни бемалол ўз ватанимизда бажара оламиз.

Бахтинур Худановнинг илмий салоҳияти кўпчиликка ўрнак. Бу йигитни серқирра иқтидор соҳиби дейиш мумкин. Талабалик пайтида у тиббиёт илмининг чуқур ўрганиши билан бирга, соҳа ривожига хизмат қиладиган бир қанча дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқди. Тиббиёт олий таълим муассасалари учун тўртта электрон дарслик (дарвоқе, уларнинг дастлабкиси — «Одам анатомияси» бўйича ўзбек тилидаги биринчи электрон дарсликни яратганида Бахтинур ҳали бакалаврда ўқирди), клиникаларда беморларнинг касаллик тарихини электрон тарзда юритиш имконини берувчи махсус компьютер дастури, фармацевтик компаниялар фаолиятини автоматлаштириш учун «Easy work for MR» дастурий таъминоти шулар жумласидан. Бундан ташқари, ёш педагог ва олим битта дарслик ҳамда учта услубий қўлланма муаллифи ва ҳаммуаллифидир.

2013 йилда Бахтинур Худанов юртимизда ёшлар учун таъсис этилган «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони билан тақдирланди. Бу ютуқ изланиш ва меҳнатлари эвазига берилган муносиб рағбат, албатта. Аммо қаричини доимо катта олишга одатланган тенгдошимизнинг юксак мақсадлари ҳали кўп. У ҳаммасига ўз ақлзаковати билан эришмоқчи.

Наргиза УМАРОВА,
«Turkiston» мухбири

Hunar — zar



Дунё таниган, тан олган уста

Ўзбекистон Республикаси халқ устаси, гиждувонлик таниқли кулол Алишер Нарзуллаев хонадонидан кўп бўлганмиз. Ҳовлига киришингиз биланоқ ўзингизни бетакрор санъат оламига тушиб қолгандек ҳис қиласиз. Ҳовли тўридан жой олган каттакон хумдон ичига нафислик билан териб чиқилган турли шаклдаги юздан ортиқ сопол буюмларни кўриб кўзингиз қувнайди.

Алишер Нарзуллаевнинг яқинда Португалия пойтахти Лиссабон шаҳрида бўлиб ўтган «Вера — 2014» халқаро тасвирий санъат кўргазмасида бош мукофот — Гран-прига сазовор бўлганини эшитиб, яна бир бор у кишининг хонадонига бордик. Бизни устанинг волидаи муҳтарамаси, юзидан нур ёғилиб турган онахон — Мустабшира Баракаева қарши олди.

— Алишержоннинг толеи, шурки, бу сафар ҳам баланд келди, болам. Халқаро кўргазмада олий совринни кўлга киритди! — дея хурсандлигини изҳор этди Мустабшира момо. — Унда Германия, Франция, Чехия, Исроил, Озарбойжон, Россия, Эрон деган давлатлардан юздан зиёд хунарманд қатнашибди. Ўғлимнинг ишини ҳаммасиникидан юқори баҳолашибди. Алишержон Марказий Осиёдан ягона вакил сифатида иштирок этганига қарамай, голиб бўлиб келганидан бошим осмонга етди.

Гурунг-гурунг билан, уста ясаган кулолчилик буюмларини томоша қиламиз. Барча оналар каби Мустабшира ая ҳам фахр билан сўзлайди...

Сополсозлик қаҳрамонимизга бобомерос. У сополсоз уста Ибодулла Нарзуллаевнинг фарзанди, кулоллар сулоласи-

нинг олтинчи авлод вакили. Бу хунарни болаликдан ўрганган.

Моҳир устанинг кўлларида оддийгина сопол дид билан берилган нақш-безак туфайли санъат асарига айланади. Инсон тафаккурининг бармоқлар ижросидаги ифодасини кўриб ҳайратланасан, киши. Ҳар бир маҳсулотга Алишер ака қалбини, меҳрини бағишлайди. Шу боисдир, унинг ишлари нафис ва жилвакорлиги билан ажралиб туради.

Алишер Нарзуллаев хонадонидан уй-музей ҳам ташкил этган. Дунёнинг тўрт бурчидан ташриф буюрган сайёҳларни бу жой ҳаммиша лол қолдиради.

— Аждодларимиз бундан уч минг йил илгари ҳам сополдан ажойиб идишлар ва бошқа уй анжомларини ясаган. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва сув сақлаш учун сопол қувурлар шулар жумласидандир, — дейди Алишер Нарзуллаев. — Бу буюмларнинг қадимги нусхалари музейимизда ҳам сақланмоқда. Экологик тоза маҳсулот саналган сопол буюмларга талаб бугун ҳам катта. Қизиги, юртимизнинг кўпгина худуд-

ларида ернинг шўрланиш даражаси юқори. Бироқ Гиждувон тупроғи кулолчилик учун ҳамон беназир хомашё бўлиб хизмат қилмоқда. Бу, албатта, табиатнинг буюк инъоми. Бугунги кунда ўғилларим Олимжон ва Обиджон хунаримни давом эттираяпти. Қизим Шаҳзодахон эса санъатшунос. Оиламизда ҳамма хунар билан банд десам адашмайман. Онажонимиз бошчилигида келинлару киз неваралар каштадўзлик, патдўзлик билан машғул. Кулолчиликни эгаллаш истагида келатган ёшлар ҳам талайгина. Уларнинг талабистаги, шунингдек, хорижлик хунармандларнинг ҳам кулолчиликка бўлган муносабати ва қизиқишидан келиб чиқиб, икки йил олдин Гиждувон тумани марказидаги «Хўжаи жаҳон» истироҳат боғида халқ амалий санъати музейини ташкил этдик. Тўққиз нафар шогирдим бор. Улар ўз устида ишлаб, изланиб, турли халқаро кўргазмаларда иштирок этапти. Ҳасан Шаропов, Миржон Тоғаев, Илҳом Умаров каби шогирдларимдан моҳир уста кулоллар етишиб чиқишига ишонаман.

«Ташаббус» кўрик-танлови голиби, ЮНЕСКО томонидан ўтказилган «Сифат белгиси» лойиҳаси сертификати соҳиби, кулолчиликда ўз йўли ва услубига эга хунарманд Алишер Нарзуллаевнинг тилга олса арзигулик ютуқлари бор. Аммо хунарманднинг энг катта бойлиги — халқнинг эътирофи, яратган асарларига берган баҳосидир.

Лайло ХАЙИТОВА,
«Turkiston» муҳбири

Yilning eng faol yosh mutaxassislari

Бунёдкорлик — ҳаётимнинг мазмуну

геўгу ёш муҳандис-меъмор Шухрат Бобоев

Юртимизда бунёд этилаётган янги ва замонавий биноу иншоотларни кўриб кўз қувнайди. Бундай ишларда ёш архитектор ва қурувчиларнинг ҳам ўз ўрни бор. Навоийлик Шухрат Бобоев мана шундай тенгдошларимиздан. Айти пайтда у «Қизилкумцемент» акциядорлик жамиятида қурилиш бўлими муҳандиси вазифасида фаолият кўрсатяпти.



Қаҳрамонимиз жорий йилда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши томонидан ўтказилган «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» кўрик-танловининг республика босқичида «Энг фаол ёш қурувчи» номинацияси бўйича голиб бўлгани унинг йиллар давомида қилган самарали меҳнатлари натижасидир.

Шухрат болалигидан қурилиш соҳасига қизиққан. Келажакда архитектор бўлишни ният қилиб, Навбахор туманидаги «Учтут» нафис санъат лицейининг архитектура бўлимида таҳсил олди. Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш институтида ўқишни давом эттириб, магистратура таълимини ҳам олди.

2007 йилдан буён «Қизилкумцемент» очик акциядорлик жамиятида меҳнат қилаётган Шухрат Бобоев дунёқарашининг кенглиги, касбига бўлган меҳр ва масъулияти туфайли жамоада хурмат қозонди. Вилоятда амалга оширилаётган кўплаб қурилиш ва таъмирлаш ишларида фаол қатнашмоқда.

— Касбимдан фахрланаман, — дейди қаҳрамонимиз. — Чунки ўз билим ва маҳоратим орқали юртимиз ободлигига муносиб ҳисса қўшиш имкониятига эгаман. Устозларим инсон қачонки бирор соҳага чин юракдан меҳр қўйсагина, ўша ишдан бахтини топади, муваффақиятларга эришади, дерди. Бугун ушбу сўзларнинг тасдиғини кўряпман.

Шухрат 2007 йили ўзи фаолият кўрсатаётган корхонада келгусида ишга туширилиши мумкин бўлган 4-технологик тармоқнинг макетини ясади. Бундан ташқари, 2014-2015 йиллар учун корхонанинг манзилли дастурига киритилган темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологик тармоғи ҳамда йилига юз минг тонна оҳак ишлаб чиқариш имконини берувчи янги технологик тармоқнинг эскиз лойиҳаларини тақдим этди. Тенгдошимиз нафақат ўз соҳаси доирасида, балки сиёсий соҳада ҳам ўз билимини оширишга ҳаракат қилади. 2003 йилда у Ўзбекистон либерал демократик партияси ўтказган «Агар мен депутат бўлсам» кўрик-танловининг

республика босқичида совриндор бўлди.

Ёш мутахассис «Қизилкумцемент» акциядорлик жамиятига қарашли «Шаббода» болалар оромгоҳида юртимиздаги машҳур тарихий обидалар макетини акс эттирган «Замин дарахти» тарихий-меъморий композициясининг қурилишида бош меъмор сифатида иштирок этди. Дарахт шохлари шаклида тасвирланган ушбу композицияда юртимизнинг дунёга машҳур кўҳна меъморий обидалари бир сафда жойлаштирилган. «Замин дарахти»нинг олд томонига кўзни қувнатувчи фавворалар ўрнатилган бўлиб, уларда рамзий маъно бор. Зеро, азим дарахт илдизлари оби ҳаётдан баҳра олиб, гуллаб-яшнаши юртимизнинг равнақ топиши, дунёга танилишига берилган нисбатдир. Аслида лойиҳанинг бош мақсади ҳам шундай.

Шухрат Бобоев доимий изланишда. У ҳар дақиқасидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилади. Ўз иқтидорини эзгу ишларга сафарбар этишга интилади.

— Жорий йилда «Сармишсой маданий ёдгорликлари асосида сайёҳлар учун очик музей ташкил этишнинг меъморий концепцияси»ни ишлаб чиқдим. Лойиҳа Навбахор туманидаги Сармишсой дарасида жойлашган тарихий-маданий масканга сайёҳлар оқимини ошириш ҳамда юртимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг кўҳна ва бой тарихимиз ҳақидаги тасаввурларини янада кенгайтиришга хизмат қилади, деб ўйлайман, — дейди Шухрат.

Тенгдошимиз ёш оила бошлиғи. Фарзанди Шохрухжонни ҳам Ватанимизга муносиб қилиб камолга етказишни ўзининг бурчи деб билади. Устози «Қизилкумцемент» АЖ капитал қурилиш бўйича бош директор ўринбосари Мурод Исломовдан ўрганганларини шогирдларига етказяпти. Катта мақсадлар билан яшаётган қаҳрамонимизнинг бугунги ғайрат ва шижоати янада юксак муваффақиятларга қанот бўлса, ажабмас.

Отабек АСЛОНОВ,
«Turkiston» муҳбири

Sport

ПАРАЛИМПИАЧЛАРИМИЗНИНГ
ФАЛАБАЛАРИ

Кеча Жанубий Кореянинг Инчон шаҳрида ПараОсиё ўйинларининг сўнгги мусобақалари бўлиб ўтди.

Енгил атлетика бўйича ўтказилган финал беллашувларида спортчиларимиз биттадан олтин, кумуш ва бронза медалларига сазовор бўлди. Фахриддин Ҳамроев 400 метр масофага югуришда барча рақибларини орта қолдириб, олтин медални қўлга киритиш билан бирга Осиё ва ПараОсиё ўйинлари рекордини янгилади. Шу тариқа, Фахриддин Ҳамроевнинг мазкур ПараОсиё ўйинларида қўлга киритган олтин медаллари сони тўрттага етди. Бунга қадар тажрибали спортчимиз 200 метр, 800 метр ва 4x100 метрга эстафета югуриш мусобақаларида шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилган эди.

Кечаги мусобақаларда ҳамюртимиз Миран Саҳадов кумуш медаль соҳиби бўлди. Бунга қадар биттадан олтин ва кумуш медални (4x100 метр ва 200 метр масофага югуриш) қўлга киритган спортчимиз ПараОсиё ўйинларининг сўнгги куни 400 метр масофага (Т11) югуриш мусобақасида иккинчи ўринни эгаллади.

ПараОсиё ўйинларида 800 метр масофага югуриш мусобақасида бронза медалга сазовор бўлган Сирожиддин Норов 1500 метр масофага югуриш бўйича ўтказилган мусобақаларда белгиланган масофани 04:10,48 секундда босиб ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИГА
СТАРТ БЕРИЛДИ

25 октябрь — 1 ноябрь кунлари Андижон шаҳрида бокс бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақаси ўтказилади. Унда 1997-1998 йилларда тузилган ёш чарм қўлқоп усталари рингга кўтарилади.

11 вазн тоифасида ўтказиладиган беллашувда Ўзбекистон ёшлар терма жамоасининг янги таркиби аниқланади, ўз вазн тоифасида ғолиб бўлган иштирокчилар эса олий ўқув юртлигига имтиёзли равишда кириш имкониятига эга бўлади.

Иштирокчилар орасида Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги II олимпиада ўйинларининг кумуш медали соҳиби Сулаймон Латипов ҳамда яна бир олимпиадачи Қозимбек Мардонов каби ёш иқтидор соҳиблари бор.

— Ҳар бир вазн тоифасида кучли учликдан ўрин оладиган иштирокчилардан қирқ нафарини мамлакат ёшлар терма жамоаси сафига саралаб оламиз, — дейди Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси бош мураббийи Марат Қурбанов. — Мусобақа якунлангач, саккиз кун ўтиб, яъни 9 ноябрь куни Тошкент вилоятидаги Янгиобод ўқув-ийгини машғулоти базасида тайёргарликни бошлаймиз. Ўн беш кун давом этадиган ўқув-ийгини машғулотларимиз Озарбойжоннинг Боку ҳамда Қозогистоннинг Алмати шаҳарларида бўлиб ўтадиган халқаро турнирлар олдида ташкил этилади.

Эслатиб ўтамиз, жорий йилнинг 15 декабрь санасидан бошлаб 16-17 ёш тоифасидаги боксчилар ўртасида Боку ва Астана халқаро турнирлари старт олади. Ҳар икки мусобақада ёшлар терма жамоамизнинг биринчи ва иккинчи таркиби иштирок этади.

Абдулазиз МУСАЕВ,
ЎЗДЖТУ талабаси

САНЪАТ
ОСМОНИДА ЯНГИ
ИСТЕЪДОД

Пойтахтимиздаги 20-болалар музика ва санъат мактабининг фортепиано йўналиши 1-синф ўқувчиси Севинч Мирғуломова халқаро музика фестивал ва нуфузли кўрик-танловларда муносиб иштирок этиб келади.

Севинч жорий йилнинг март ойида «Праганинг сеҳрли юлдузлари», июнь ойида «Париж осмони остида» халқаро фестивалларида фортепиано йўналиши бўйича тенгсиз эканини исботлади, дефиле йўналиши бўйича ҳам ғолиб бўлиб, отонаси ҳамда устозларининг ишончини оқлади.

Рустам НАЗАРМАТОВ
фотолаҳаси

Bilib qo'ygan yaxshi

Музика сеҳри

Инсон қадимдан музикага ошно бўлиб келган. Кўз кўнгил ойнаси бўлса, музика қалб тори дейдилар. Музика қалблардан сирқираб оқаётган дард-аламлар, армонлар, қувонч ва изтироблар фиғонидир. Оламни музикасиз тасаввур этмоқ, дарахтларни баргсиз кўрмоқ кабидир.

Музиканинг бетакрор қудрати, тилсимий сеҳри хусусида турли давраларда қимматли фикрлар билдирилган. Куйга илоҳий куч-қудрат рамзи деб ҳам қарашган. Шу боис мисрликлар чолғу таратаётган куйни муқаддас ҳисоблаганлар. Юнон ва римликлар ёқимли оҳанглар шарафига эҳромлар

бунёд этган бўлса, ҳинд ва форслар унинг бетимсол руҳ сифатида яшашига ишонган.

Инсон музикасиз яшай олмайди. Зотан, музика инсонга бешиқдан, оналарнинг мунис алласидан бошлаб, то қабргача ҳамроҳ бўлади. Кўпинча инсон ўз қалбига яқин музикаларни тинглагиси келади. Бирок

нима учун одам шу музика унинг қалб торларини чертаётганлигини тушунтириб бера олмайди. Дунёда шундай музика борки, элат-миллат деган тушунчалардан қатъий назар, ҳар қандай софдил кишини сеҳрлаб қўйиш қудратига эга. Афлотун музика ҳақида бундай деб ёзганди: «Музика инсонларни тарбиялашда ҳар қандай ўзга воситалардан афзалдир. Чунки оҳанг ва уйғунлик инсон руҳи ва руҳияти томон йўл олади».

Одамзоднинг соғлиғига ва узоқ умр кўришига ижобий таъсир этиши хусусида Шарқ алломаларидан Ал-Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Абу Наср Фаробий, Ҳарун ар-Рашид ҳам таъкидлаб ўтишган. Бу ҳақда Фаробий шундай ёзади: «Музика шу маънода фойдалики, у ўз мувозанатини йўқотган одам хулқини тартибга келтиради. Бу илм соғлиқ учун ҳам фойдали-

дир. Чунки тана касал бўлса, руҳ ҳам сўнади. Шунинг учун гўзал овозлар таъсири билан руҳни соғайтиришнинг фойдаси бор». Буюк табиб Абу Али ибн Сино баъзи беморларни сеvimли куйлари таъсирида даволагани тарихдан маълум. Навқиронлик даврини Бухорода ўтказган ибн Сино музиканинг сеҳрли қудрати ва инсон руҳига таъсирини ўрганиб, «Музика санъатиға кириш», «Шифо», «Тиби қонунлари», «Музика илми ҳақида маълумот», «Ишқ рисоласи» сингари асарларида бу ҳақда кўплаб маълумотларни келтиради. Аллома безгак кенг тарқалган пайтда ҳаётбахш куйлар таъсирида беморларни ўлимдан сақлаб қолган экан. Шу билан бирга савдойи, васваса, безовталиқ, асабийлик каби бир қанча касалликларни куй ёрдамида даволаш мумкинлигини ҳам амалда исботлаб берган.

Зукко ишчилар

«Фарғонаазот» акциядорлик жамиятидаги «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти томонидан ёш ишчи-ходимлар орасида «Заковат» интеллектуал ўйинини ташкил этиш аниқланади. Ушбу лойиҳа ёш мутахассисларнинг билимини чархлаш ва истеъдодини рўёбга чиқаришга ёрдам бермоқда.

— Корхонамизда «Заковат» интеллектуал ўйинини ҳамма алоҳида эътибор билан кузатади, — дейди бошланғич ташкилот етакчиси Зулхумор Исманова. — Саволларни ишчиларнинг ўзидан қабул қиламиз. Бунда цехлардаги етакчиларимиз яқиндан кўмак бермоқда.

Яқинда беллашувларнинг якуний босқичи ўтказилди. Бу гал зуқко ишчилар дунё ва Ватанимиз тарихи-

га доир билимларини синовдан ўтказди.

Қизғин мунозараларга бой бўлган ўйин натижасида сода ишлаб чиқариш цехи устаси Нурилло Юнусов «Заковат билимдони» деб топилди. Қолган билимдонлар ҳам турли номинациялар бўйича тақдирланди.

Нодиржон ЮСУПОВ,
«Turkiston» мухбири

ЗУККО МУХЛИСГА САВОЛ:

Дендрология фани нимани ўрганеди?

Жавобингизни 28 октябрь соат 16:00га қадар 233-79-69, 233-95-97 телефон рақамлари орқали билдиришингиз мумкин. Тўғри жавоб йўллаган мухлислар номи газетамизда эълон қилинади.

Ўтган сондаги саволнинг жавоби: Каучук.

Тлафаккур қилмондан бир қабул

Жамият юзини қора қилувчи пасткашлар, ёмонлар, бебошлар, ўғриллар, гиёҳвандлар ва нашавандлар... кеча тарбияларига эътибор берилмаган болалардир.

Абдулла Авлоний